

ПЎЛАТ ҚОБИҚЛАРНИНГ КУЧЛАНГАНЛИК- ДЕФОРМАЦИЯЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Давлатов Шохрух Муратович

Фаргона политехника институти Курилиш факультети Декани
e-mail: davlatshoh@ferpi.uz,

Тошматов Улугбек Кодиржон угли

Фаргона политехника институти Курилиш факультети талабаси
email: ulugbektoshmatov29@gmail.com

Мирзарахимов Мирзохидбек Алишер угли

Фаргона политехника институти Курилиш факультети талабаси
e-mail: al.mir2020@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Панеллар билан кучайтирилган цилиндрик қобиқларнинг устуворлиги ва юк кўтариши қобилиятини кичрайтирилган моделда экспериментал тадқиқ этиши натижалари келтирилган. Мақолада синов услуби, қўлланилган ускуналар, воситалар, синов моделлари ва қўрилмалари ҳақидаги маълумотлар баён этилган. Экспериментларда олинган натижалар таҳлил қилиниб, назарий ҳисоблар натижалари билан таққосланган. Конструктив - ортотроп схема бўйича ишлайдиган ёйсизон панеллар билан кучайтирилган цилиндрик қобиқларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: цилиндрик қобиқ, ёйсизон панел, устуворлик, кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати, мустаҳкамлик, юк кўтариши қобилияти.

INVESTIGATION OF THE STRESS-STRAIN STATE OF STEEL SHELLS


ABSTRACT

This article presents the results of an experimental study of a reduced model of cylindrical shells and load-bearing capacity reinforced by arc panels that operate according to a constructive-orthotropic scheme. The article provides information about the test method, equipment, tools, test models and devices used. The results obtained in the experiments were analyzed and compared with the results of theoretical calculations. The state of tensile deformation of cylindrical shells reinforced by arc panels operating in a constructive-orthotropic scheme is analyzed.

Keywords: cylindrical shell, arched panel, priority, stress-strain condition, strength, load-bearing capacity.

КИРИШ

Девори силлиқ цилиндрик қобиқ намуналари учун қалинлиги 1,8 мм ва 3,8 мм бўлган пўлат листлар ишлатилди. Девори панеллар билан кучайтирилган намуналар эса фақат қалинлиги 1,8 мм бўлган пўлат листлардан тайёрланди (1.а-расм). Бунда асосий қобиқ учун ҳам, кучайтирувчи панеллар учун ҳам бир хил листлар ишлатилди. Кучайтирувчи панеллар асосий деворнинг тўлиқ



1-расм. Моделларнинг кўндаланг қиркимлари: а) Кучайтирилмаган қобиқ, б) Девори ёйсимон панеллар билан кучайтирилган қобиқ

баландлиги бўйича узлуксиз пайванд чок билан бирлаштирилди. Асосий қобиқ ўлчамлари 2200x740 мм ли яхлит листни вальцовка қилиш йўли билан тайёрланди. Доиравий ёпик контурли қобиқ ҳосил қилиш учун унда битта вертикал пайванд чок кўзда тутилди. Кучайтирувчи ёйсимон панеллар 108x740 мм ли листларни аввал вальцовка қилиниб сегмент қўринишига келтирилди, сўнгра

асосий қобиқка пайвандланди. Кучайтирувчи ёйсимон панеллар сони ҳар бир намунада 12 та ни ташкил этади, бунда уларнинг орасида асосий қобиқнинг кучайтирилмасдан қолган қисмилари сони 12 та бўлиб, уларнинг ҳар бирининг эни 90 мм га teng қилиб олинди (1.б.-расм) [1-14].

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тайёрланган қобиқ намуналарини синашда сиқувчи кучларнинг маҳаллий эзилишдаги таъсирини кескин пасайтириш учун, натурадаги иншоотлар қобиқларида кўзда тутиловчи бириктириш фланецлари қўйилди. Фланецлар халқасимон шаклда бўлиб, уларнинг эни 100 мм ни, қалинлиги 10 мм ни ташкил этади. Фланецлар қобиқ намуна деворига ҳар икки томондан узлуксиз пайванд чоклар орқали бириктирилди. Кучларнинг марказий узатилишини таъминлаш учун фланецнинг айлана шаклидаги марказий горизонтал ўқи кучайтирилган қобиқ намунасининг асосий қобиқ ва кучайтирувчи панеллар кўндаланг кесими оғирлик марказларидан ўтувчи айлана шаклидаги ўқ билан устма уст тушиши таъминланди. Фланецлар 3 та сегментдан ташкил топган

бўлиб, улар қобиқ деворига шундай бириктирилганки, куч фақат фланецлар орқали деворга узатилади.

Моделлар Бекобод металлургия заводида ВСтЗпс5 (ГОСТ 19903-2015) маркали пўлатдан ишлаб чиқарилган листлардан тайёрланди.

Моделлар деворларида ҳосил бўладиган деформацияларни ўлчаш учун пленка асосдаги “Strain gauges” – типидаги тензорезисторлардан фойдаланилди. Тензорезисторнинг базаси 5 мм га тенг бўлиб, улар аввалдан силлиқланиб, тозаланиб тайёрланган асосга БФ-2 суперелим воситасида ёпиштирилди (2-расм). Тензорезисторларнинг кўрсаткичларини қайд этиб бориш учун улардан чиқувчи симларнинг учлари узатиш кабелларига пайвандланди[11-24].

Қобиқлар моделлари “Евразия ТАПО-Диск“ МЧЖ га тегишли бўлган Югославияда ишлаб чиқарилган “LITOSTROJ” типидаги №4305 рақамли ўлчаш диапазони $0 \div 100$ ($\delta \pm 2\%$) тонналик ва Италияда ишлаб чиқарилган “EMANUEL PRESSE” типидаги 400-тонналик гидравлик прессда намуналар бузилиш ҳолатигача синалди. Синов жараёнида маълумотларни ёзиб олиш учун Micro-Measurement компаниясининг Model 8000 ускуналари ва дастурий пакети “LENOVO” русумидаги ноутбук ёрдамида ёзиб олинди.



2-расм. Тензодатчикнинг ёпиштириб ўрнатилиши



3-расм. Ўлчов воситаларининг таркибий схемаси

Ўлчов воситаларининг схемаси 3-расмда келтирилган: тензорезистор 1 дан кучланиш тензометрик аппаратурали аналог рақамли ўзгартиргич 2 га берилади, унда кучайтирилган сигнал рақамланади ва шахсий компьютер 3 нинг қаттиқ дискида қайд этилади.

Барча намуна моделларга чизмаларда келтирилган схемалар бўйича тензорезисторлар ўрнатилиб, узатиш кабеллари уланди ва улар синовга шай ҳолатга келтирилди. Тайёрланган моделларда уларни прессда марказлаштириш учун устки ва остки қисмларида нишон (риски)лар қўйиб чиқилди. Шундан сўнг намуна қобиқлар пресснинг остки плитасига ўрнатилди. Моделларнинг устки ва остки фланецларини тўлиқ қамраб оладиган ёғочпайрахали плиталар уларнинг горизонтал сиртида мавжуд бўлиши мумкин бўлган нотекисликларнинг юк узатишдаги таъсирини кескин камайтириш ва марказий

сиқилишни (юкни) қобиқ деворларига тенг тақсимлашга хизмат қиласди. Шундан сўнг барча нуқталарга ўрнатилган тензорезисторларга уланган узатиш кабелларининг учлари маҳсус қурилма орқали компьютерга уланди. Юк берилмасдан аввал бошланғич кўрсаткичлар ёзиб олинди. Бундан кейин намуналарда вужудга келиши мумкин бўлган турли қучланиш ва деформацияларни нейтраллаштириш учун қобиқ ҳисобий бузувчи кучнинг 5-7% миқдоридаги қуч билан юкланди ва барча нуқталардан кўрсаткичлар олинди. Қобиқнинг марказлашти-рилганлигини текшириб олингандан сўнг юк бутунлай олинди. Марказлаштиришдаги деформациялар фарқи қарама-карши жойлашган симметрик нуқталар учун 2-3% дан ошмади.

Асосий синовлар бошланишида барча нуқталарга ўрнатилган тензорезисторлардан бошланғич кўрсаткичлар ёзиб олиниб, юклаш бошланди. Юклаш босқичма-босқич бажарилди. Ҳар бир босқич юки ҳисобий бузувчи кучнинг 10-14% ини ташкил этди. Юклаш тезлиги 20-24 кН/мин ни ташкил этди. Босқич юки берилаётганда барча нуқталардаги тензорезисторлар бўйича автоматик тарзда деформацияларнинг ўзгариши қайд этилди. Юк қиймати белгиланган миқдорга етгандан сўнг деформациялар қайд этилди ва юк шу ҳолатда ушлаб турилди. Бу вақт 15 минутгачани ташкил этди. Юкни босқич охирида белгиланган қийматда ушлаб туриш вақтида ҳам тензорезисторларнинг кўрсаткичлари ёзиб борилди. Деформациялар стабиллашгандан сўнг босқич сўнггида ҳам якуний кўрсаткичлар ёзиб олинди. Шундан сўнг навбатдаги босқич юкланиши бошланди ва барча ишлар аввалгидек такрорланди. Шу тариқа юклар миқдори ошириб борилди. Ҳар бир босқич юкланиши тугагандан сўнг намуна қобиқларнинг сирти синчиклаб текшириб борилди, ўзгаришлар-қабаришлар, ботиклар (чукурчалар) ҳосил бўлиши ва бошқа кўз билан аниқласа бўладиган ҳолатлар қайд этиб борилди. Юк миқдори бузувчи юкнинг 60% дан ортгандан сўнг бундай текширувлар бевосита юклаш жараёнида ҳам олиб борилди. Синовлар бошлангандан устуворликни йўқотиш белгилари намоён бўлгунча 7-8 та босқич юклашлар бажарилди, юк кўтариш қобилиятини йўқотгунча яна 1-2 та босқич кузатилди[24-33].

Кучайтирилмаган силлиқ деворли қобиқ моделини устуворлик ва мустаҳкамликка синаш намунанинг қучланганлик-деформацияланганлик кўрсаткичларини аниқлаш, устуворлик ва юк кўтариш қобилиятини йўқотиш ҳолатларида конструкция қабул қила оладиган юкларни тажрибада аниқлаш имкониятини берди. Намунага таъсир этаётган юклар кичик бўлган ҳолларда (юклашнинг 1-5- босқичларида) модел деворидаги қучланишлар қийматлари

кичик бўлиб, қобиқ материали идеал эластик материал сингари қаршилик кўрсатиши аниқланди. Деформацияларнинг кучга боғлиқ ҳолда ортиб бориши пўлатнинг чўзилиш ва сиқилишдаги “ σ - ϵ ” графигига тўлиқ мос ҳолда ривожланиб борди. Юк миқдори ҳисобий бузувчи кучнинг 70% миқдоридан ошганда деформациялар сезиларли даражада тезроқ ортиши кузатилди. Намуна қобиқнинг турли нуқталарида ўлчанганд кучланишлар (деформациялар) бир хил миқдорда эмаслиги кузатилди: энг кичик ва энг катта кучланишлар ўртасидаги фарқ 4% дан 8% гача ни ташкил қилди.

Бузувчи юкнинг тахминан 94-96% миқдоридаги юкларда қобиқ маҳаллий устуворлигини йўқотиши аломатлари пайдо бўлди, кучланишларнинг ортиб бориши характерига мос ҳолда чуқурчалар дастлаб намунанинг пастки қисмида, кейин ўрта қисмида ва энг охири устки қисмида вужудга келди. Шундан сўнг юкнинг 4-6% га ортиши умумий устуворликни йўқотиш ва деярли шу билан бирга юк кўтариш қобилиятининг йўқотилишига олиб келди. Намуна устуворликни йўқота бошлаганидан сўнг мустаҳкамлигини йўқотгунча ўтган вақт жуда қисқа бўлди: бу босқичда деформацияларнинг кучнинг ортишидан ривожланиши шиддатли тарзда кечди.

Кучайтирилган қобиқ кўринишидаги моделларнинг марказий сиқилишдаги кучланганлик-деформацияланганлик кўрсаткичи кучайтирилмаган қобиқларнидан сезиларли даражада фарқ қилди. Бунда намунага таъсир этаётган юклар кичик бўлган ҳолларда (юклашнинг 1-6 - босқичларида) асосий қобиқда ҳам, кучайтирувчи панелларда ҳам кучланишлар қийматлари кичик бўлиб, материалнинг идеал эластик материал сингари қаршилик кўрсатиши кузатилди. Берилаётган юк миқдори бу ҳолларда ҳисобий бузувчи кучнинг 80% миқдоридан ошгандагина деформациялар сезиларли даражада тезроқ ортиши юз берди. Намуна қобиқларнинг энг пастки қисмида энг катта кучланишлар қайд этилди, қобиқ баландлигининг ўрта қисмида бирмунча кичикроқ, юқори қисмида эса уларнинг қиймати энг кичик бўлди. Умуман олганда, турли нуқталардаги кучланишлар фарқи 3-6% ни ташкил этди.




4-расм. Кучайтирилмаган силлиқ қобиқ МРГ намунасининг синовдан кейинги кўриниши




5-расм. Ёйсимон панеллар билан кучайтирилган МРП-1 намунанинг синовдан кейинги кўриниши

Бузувчи юкнинг тахминан 88-92% миқдоридаги юкларда асосий қобиқларнинг кучайтирувчи панеллар орасидаги қисмининг маҳаллий устуворлигини йўқотиши аломатлари пайдо бўлди. Ушбу намуналарда ҳам кучланишларнинг ортиб бориши характерига мос ҳолда чуқурчалар дастлаб намуналарнинг пастки қисмида, кейин ўрта қисмида ва энг охири устки қисмида вужудга келди. Шундан сўнг юкнинг 4-6% га ортиши натижасида кучайтирувчи панелларда ҳам маҳаллий устуворликни йўқотиш белгилари кўринди. Уларда ҳам ушбу белгилар дастлаб остки қисмда, кейин ўрта ва устки қисмларда пайдо бўлди. Намуналар устуворликни йўқота бошлаганидан сўнг мустаҳкамлигини йўқотгунча ўтган вақт, кучайтирилмаган қобиқлардагига нисбатан сезиларли даражада ортиши кузатилди. Ушбу босқичда деформацияларнинг кучнинг ортишидан ривожланиши бирмунча секинроқ тарзда кечди. Қалинлиги 1,8 мм ли листлардан тайёрланган моделлар деворидаги деформацияларнинг кучга боғлиқ ҳолда ўзгариши графиклари 6-расмда, 3,8 мм ли листлардан тайёрланган моделлар учун 7-расмда келтирилган.

Асосий қобиқнинг деворни ёйсимон панеллари билан кучайтирилган намуналарининг деворидаги деформацияларнинг кучга боғлиқ ҳолда ўзгариш графиклари ҳам тажрибалар давомида ўрнатилган тензорезисторлардан ўлчаб олинган маълумотлар асосида қурилди (8-расм).




a




б

6-расм. Қалинлиги 1,8 мм ли листлардан тайёрланган кучайтирилмаган моделларнинг “Нисбий деформация- нормал қучланиш” графиги: а) юқори нүкта, б) қуий нүкта



7-расм. Қалинлиги 3,8 мм ли листлардан тайёрланган кучайтирилмаган моделларнинг “Нисбий деформация - нормал қучланиш” графиги: а) юқори нүкта, б) қуий нүкта



8-расм. МРП-1 намуна деворидаги характерли нүкталарнинг “Нисбий деформация-нормал қучланиш” графиги: а) юқори нүкта, б) қуий нүкта

Девори силлиқ кучайтирилмаган ва панеллар билан кучайтирилган қобиқлар намуналарининг назарий ва экспериментал тадқиқотларда олинган натижалари солиширилди. Бунда ҳисоб натижалари ва экспериментал тадқиқотлар натижалари билан фарқи 4-7% ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал. Девори силлиқ-кучайтирилмаган қобиқлар намуналарини синаш натижалари (умумий устиворлик ва юқ күтариш қобилиятыни йўқотиш ҳолатида)

Намуна №	Эксперимент натижалари		Ҳисоб натижалари σ , MPa	Фарқи $\Delta\sigma$, %
	P, кН	σ_{max} , MPa		
1($t = 1,8\text{мм}$)	586	148	158	-6,3
2($t = 3,8\text{мм}$)	1280	153	164	-6,7

Ёйсимон панеллар билан кучайтирилган намуналарнинг назарий ва экспериментдан олинган натижалари солиширилди (2-жадвал).

Кучайтирилган қобиқлар моделлари устида ўтказилган экспериментал тадқиқотларда олинган натижалар статистик таҳлил қилинди. Ҳисобларни

бажаришда тасодифий қийматларнинг нормал тақсимланиш қонуни қўлланилди.

2-жадвал. Ёйсимон панеллар билан кучайтирилган намуналарда назарий ва экспериментал натижаларнинг бир-бирига мослиги солиштириш (умумий устуворликни ва юк кўтариш қобилиятини йўқотиши ҳолатида)

Намуна №	Эксперимент натижалари				Ҳисоб натижалари, σ	Фарқи $\Delta\sigma, \%$
	P	σ_{max}	σ_{max}^{cp}	$\Delta\sigma_{max}$		
	кН	МПа				
1	1394	221		-4		-3,9
2	1467	233	225	8	230	+1,3
3	1386	220		-5		-4,4

Синов натижаларини статистик ишлаб чиқиш хатоликларнинг нормал тақсимланиш қонунини қўллаш имкониятини ва уларнинг ўртача квадратик фарқларининг нисбатан кичик қийматларига эга эканлигини қўрсатди.

ХУЛОСА

Тадқиқотлар натижаларининг тасдиқлашича, бундай конструкцияларда юк кўтариш қобилиятини йўқотиши фақат кучайтирувчи панеллар ўзининг маҳаллий устиворлигини йўқотганидан кейингина содир бўлади. Шу сабабли, таклиф этилган кўринишда кучайтирилган қобиқларда текис қобиқлардан фарқли равишда, конструкцияни эксплуатация қилиш жараёнида юкларнинг кўзда тутилмаган миқдорларини ортиб кетиш ҳолларида тўсатдан бузилиш ҳавфи камайтириш имконини беради. Цилиндрик қобиқларни ёйсимон панеллар билан кучайтириш орқали уларнинг бўйлама ҳам кўндаланг кесимларининг келтирилган бикрлик характеристикаларини (чўзилиши-сиқилишдаги, эгилишдаги ва бурилишдаги) сезиларли даражада ошириш имконини беради. Олинган натижалар девори кучайтирилган қобиқлар конструкцияларининг кўндаланг кесими геометрияси уларнинг кучайтирилмаган қобиқларга нисбатан статик, қаршилик ва инерция моментларининг сезиларли даражада ортишига олиб келишини, бир хил металл сарфида конструкциянинг устуворлик ва юк кўтариш қобилиятларининг ортишига сабаб бўлишини тасдиқлади.

REFERENCES

1. Davlyatov, S. M., & Makhsudov, B. A. (2020). Technologies for producing high-strength gypsum from gypsum-containing wastes of sulfur production-flotation tailings. *ACADEMIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(10), 724-728.
2. Ахмедов, Ж. Д. (2010). Оптимизация преднапряженных перекрестных ферменных систем. *Промислове будівництво та інженерні споруди. К.*: BAT “Укрдніпроектстальконструкція ім. ВМ Шимановського, 4.
3. Akhrarovich, A. K., & Muradovich, D. S. (2016). Calculation of cylindrical shells of tower type, reinforced along the generatrix by circular panels. *European science review*, (3-4), 283-286.
4. Muratovich D. S. Study of functioning of reservoirs in the form of cylindrical shells //European science review. – 2016. – №. 9-10.
5. Adilhodzhaev A. et al. The study of the interaction of adhesive with the substrate surface in a new composite material based on modified gypsum and treated rice straw //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 683-689.
6. Акрамов Х. А., Давлятов Ш. М., Хазраткулов У. У. Методы расчета общей устойчивости цилиндрических оболочек, подкрепленных в продольном направлении цилиндрическими панелями //Молодой ученый. – 2016. – №. 7-2. – С. 29-34.
7. Egamberdiyev B. O. et al. A Practical Method For Calculating Cylindrical Shells //The American Journal of Engineering and Technology. – 2020. – Т. 2. – №. 09. – С. 149-158.
8. Davlyatov S. M., Kimsanov B. I. U. Prospects For Application Of Non-Metal Composite Valves As Working Without Stress In Compressed Elements //The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research. – 2021. – Т. 3. – №. 09. – С. 16-23.